



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 15-avgust, chorshanba * № 34 (786) * 1996-yil dekabrda chiqa boshlagan * elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX
ёзги Олимпиада ўйинларида
юксак натижаларга эришган
спортчиларимиздан бир гуруҳини
мукофотлаш тўғрисида**

Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин ва иловага мувофиқ рағбатлантирилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»

Собиров Ришод Рашидович — дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Тигиев Сослан Вазноевич — эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»

Атоев Аббос Абдуразокович — бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Юртимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтириш ишига қўшган улкан ҳиссаси, Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришгани учун мукофотлансин ва иловага мувофиқ рағбатлантирилсин:

«ЭЛ-ЮРТ ХУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Таймазов Артур Борисович — эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти


И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 14 август

► ФАХР

Муносиб тухфа

**XXX ёзги Олимпиада
ўйинларида Ўзбекистон давлат
байроғи кўтарилиб,
мадҳиямиз янгради**



► ТАЪЛИМ

Кучли, билимдон ва салоҳиятли авлод

таълим тизимидаги ислохотлар замирида ана шундай эзгу мақсад мужассам

Юртининг эртанги келажагини, шубҳасиз, ҳар томонлама етуқ, салоҳиятли ёшлар белгилайди. Уларнинг бугун олган билим ва кўникмалари келгусида она Ватанимиз тараққиётига, унинг дунё ҳамжамиятидаги мавқеини янада юксалтиришга хизмат қилади. Шу боис, юртимизда таълим тизimini ислох этишга, уни сифат нуқтаи назардан жаҳон талаблари

даражасига олиб чиқиш, хусусан, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Мазкур ишларнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишида соҳага доир қонунлар, Президентимиз ва Вазирлар маҳкамасининг фармон ва қарорлари муҳим дастуриламал бўлаёпти.



МАТОНАТ МАЛИКАСИ

— Ногирон инсонларни жамиятнинг тўлақонли аъзосига айлантириш учун зарур пайтда ўз тақдирим мисолида руҳлантиришга, интиламан, — дейди Зебо. — Асосийси, нима бўлганда ҳам, уларга жамиятда ўрнига эга бўлиш учун ўзида куч топа олиш лозимлигини сингдира олаётганимдан хурсандман.

3-бет

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ ҲАР ҚАЧОНГИДАН ДОЛЗАРБ ВАЗИФА


Минг шукрлар бўлсинки, мамлакатимизда келажак ворисларни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни баркамол шахслар этиб воёга етказиш учун зарур шароитлар ва қўшимча имкониятлар яратилган.

5-бет

«CURIOSITY» БИЛАН «ҚИЗИЛ САЙЁРА» БЎЙЛАБ

Ўтган ҳафта НАСА мутахассислари ва барча америкаликлар фазо тадқиқотларига боғлиқ яна бир галабани нишонладилар. «Marsioxity Curiosity» деб номланган космик қурилма душанба кuni эрталаб Марс сатҳига муваффақиятли қўндирилди. Кўп ўтмай, марсаход Ерга «қизил сайёра» ҳаётига оид дастлабки суратларни жўнатди.

8-бет




Икки ҳафтадан ортиқроқ муддат дунё аҳли нигоҳини ўзига қаратган XXX ёзги Олимпиада ўйинлари якунланди. Муҳлисларга бир-бирдан қизиқарли, ҳаяжонли онларни тақдим этган мазкур йирик спорт анжумани юртдошларимизнинг ҳам ёдида узоқ вақт сақланиб қолса, ажабмас. Чунки Лондон шаҳри мезбонлик қилган тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида минглаб спортчилар қаторида ўзбек йигит-қизлари ҳам муносиб иштирок этди. Аҳамиятлиси, тўрт нафар спортчимиз мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари сафидан жой олди.



ОБУНА — 2012

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар!
“HURRIYAT” газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжихатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.
2012 йилнинг иккинчи ярми учун ҳам обуна давом эттирилмоқда. Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг.
Обуна бўлинг!



“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ
СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНИНГ
БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтамиз:
“HURRIYAT” нинг нашр индекси — 23

Болаларга байрам тухфаси

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида пойтахтимиздаги 22-Меҳрибонлик уйи янгича қиёфа касб этди. Меҳрибонлик уйининг “Меҳр нури” жамғармаси томонидан капитал реконструкция қилинган замонавий биноси фойдаланишга топширилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат жараёнида ҳар бир боллага меҳр ва эътибор кўрсатилмоқда. Уларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб воёга етиши, таълим-тарбия олиши, ўз қизиқиши ва лаёқатига мос касб-ҳунар эгаллаши учун зарур барча шароит ва имкониятлар яратилаётир.

«Меҳр нури» жамғармаси юртимизнинг турли ҳудудларида шифохоналар, онлавий поликлиникалар,

спорт мажмуалари, мактабларни капитал реконструкция қилишга муносиб ҳисса қўймоқда.

Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйининг биноси ҳам ана шундай хайрли ишлар натижасида замонавий қиёфа касб этди. Бинонинг муҳандислик-коммуникация, электр тармоқлари, иситиш-совутиш тизими тўлиқ янгиланди. Шинам ўқув хоналари, ахборот-ресурс маркази, компьютер синфлари, дам олиш ва тўгарак хоналари, ётоқхона ва ошхона замон

талаблари асосида жиҳозланди. Қўшимча бино қад ростлаб, махсус синфхоналар, спорт мажмуаси, кийим ювиш хоналари бунёд этилди.

— Муассасамизда болаларнинг яшаши, таълим олиши учун зарур барча шароитлар яратилди, — дейди Меҳрибонлик уйи директори вазифасини бажарувчи Хурсаной Холова. — Бу болажонларимиз учун энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида ажойиб соғва бўлди.

Назкат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



Алло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат

ДАРАКЛАР

Эронда ТАБИЙ ОФАТ

Эронда кетма-кет содир бўлган zilzilalar натижасида 300 дан зиёд киши ҳалок бўлди, 3 мингга яқин аҳоли турли даражада жароҳатланди.




Бу ҳақда маҳаллий "Press TV" телеканали хабар тарқатди. Аммо ҳукумат раҳбарлари мазкур маълумот таҳмин эканини ва бу кўрсаткич яна ортиси мумкинлигини айтмоқда.

Аниқланишича, аввалига 6,2 балли ер қимирлаши Ахар шаҳрида, кўп ўтмай худди шу ҳолат Варзакан ва Харис шаҳарларида кузатилади. Кейинги 4 баллгача бўлган ўнга яқин ер силкинишлари эса аҳолини батамом қарахат ахволга солиб қўйган.

Табиий офат бўлиб ўтган худудларда электр ҳамда сув таъминоти издан чиққан, алоқа деярли узилган. Ҳукумат аҳолига асосан радиотўлқинлар ёрдамида мурожаат этмоқда.

Сейсмологларнинг айтишича, Эрон худудида ҳар йили 6 баллдан кам бўлмаган zilzilalar кузатилади. Улардан энг талафотлиси 1990 ва 2003 йилларга тўғри келган. Уша йилларда табиий офат натижасида 90 мингга яқин киши ҳалок бўлган.

МИЛЛИОНЕР ЁЗУВЧИЛАР



Ўткир сюжетли романлар муаллифи, америкалик Жеймс Паттерсон, мана, учинчи йилдирки, кетма-кет "Forbes" журнали томонидан тузилган даврада энг кўп ёзувчилар рўйхатида етакчи бўлиб турибди.

Ж.Паттерсон бир йил мобайнида романнинг 11 та томини ёзиб улгурди ва 94 миллион АҚШ доллари миқдорига гонорар ишлади. Бу ўтган йилга қараганда 10 миллион долларга кўпроқ. Йиллик даромади 39 миллион долларни ташкил этган Стивен Кинг эса рўйхатнинг иккинчи погонасидан жой олди. Унинг "11/22/63" илмий-фантастик романи ва "Зим-зиё минора" номли китобининг 8-томи муҳлислар томонидан илқ кутиб олинди. Детектив жанрида ёзилган китоблари учун 33 миллион доллар "ишлаган" Жатен Ивонич рўйхатда учинчи бўлди.

"Forbes" журналининг таҳмин қилишича, жорий йил бошида сотувга чиққан "50 тўсдаги кулранг" муҳаббат трилогияси муаллифи Эл Жеймс 2013 йилда миллионер ёзувчилар рўйхати етакчига айланиши кутилмоқда.

БОЛА ТАБИЙ ЙЎЛ БИЛАН ТУГИЛСА...

Йель университети (АҚШ) олимлари она қорнини ёриш орқали туғдириб олинган болаларнинг интеллектуал қобилияти табиий йўл билан дунёга келган чақалоқларникига қараганда паст бўлади, деган тўхтамга келишди.



Маълумки, УСР2 номли оқсил модда хотиранинг ўсишига хизмат қилади. Олимларнинг таъкидлашича, табиий туғиш жараёнида бола миёси айна шу оқсил моддаси билан тўйинади, жарроҳлик амалиёти қўлланилган ҳолатда эса унинг етишмаслиги ҳолати кўзга ташланади. Бу болада бир умрлик нуқсонни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис, шифокорлар боланинг имкон қадар табиий йўл билан туғилиши фойдали эканлигини таъкидлашмоқда.

ФИЛИППИДА ТОШКИН




РАТА-ТАСС ахборот агентлиги берган маълумотларга қараганда, Филиппинда ёмғирларнинг тўғтосви эгиши натижасида юзага келган ҳалокатли тошқинлар 70 дан ортқ кишининг ҳаётига зомин бўлди. Бедарак йўқолганлар эса 7 нафарни ташкил этмоқда.

Узоқ вақтдан буён давом этаётган жала асосан мамлакат пойтахти — Манилага зарар етказди. Шаҳарнинг 80 фоизи сув остида қолган ва етқаларда сувнинг сатҳи вақти-вақти билан 1,5 метргача кўтарилмоқда. 300 мингдан ортқ аҳоли қочоқлар учун ташкил этилган лагерлардан нажот топди. Об-ҳавонинг инжиқлиги сабаб умумий ҳисобда 2 миллионга яқин аҳоли жабр кўрди.

КЎРШАПАЛАКЛАР ОДАМЛАР ЖОНИГА ОРО КИРАДИ

Италия пойтахти Милан шаҳридаги истироҳат болларига чивинларга қарши курашиш дастури доирасида кўршапалаклар учун 400 та уя ўрнатилди. Бу ҳақда маҳаллий "La Repubblica" нашри хабар тарқатди.



Айни пайтда шаҳарда чивинларнинг кўпайиб кетганидан аҳоли азият чекмоқда. Шу боис, ҳозир шаҳарнинг кўршапалаклар тез-тез учраб турадиган ва кўпайишига қўлай бўлган худудларида улар учун уялар қўйилмоқда. Шунингдек, яқин кунларда шаҳар бўйлаб яна 800 та ана шундай уялар ўрнатилиши режалаштирилган. Маълумки, кўршапалаклар ҳашаротлар билан озиқланади. Улар бир соат ичида 200 га яқин чивинларни овлаши мумкин экан.

Ёшлар маънавияти

ҳар қачонгидан долзарб вазифа

БМТ ҳисоботида таъкидланишича, 2011 йилда 75 миллионга яқин ёшлар ишсиз қолган. Тахминан 900 миллион нафар ўғил-қизлар тўйиб овқат емаган. 100 миллиондан ортқ ўсмирлар мактабга қатнаш бахтидан мосуво бўлган. Даҳшатлиси ҳар куни 2000 нафардан ортқ ёшлар ВИЧ вирусини юқтириб олмоқда. Айрим мамлакатларда эрта никоҳдан ўтиш ҳолатлари кўпайиб борапти. Бу эса аёллар ва болалар ўлимнинг урчишига олиб келаяпти. БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг таъкидлашича, ҳар йили ер юзиде 10 миллион қиз 18 ёшга тўлмай турмушга узатилаётган бўлса, 16 миллион нафар қиз ўсмирлигидаёқ она бўлаяпти.



Маълумки, ХХ асрнинг сўнги с а м м и т и ҳисобланган БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йилги сессиясида янги мингйилликнинг Декларацияси қабул қилиниб, унда инсоният олдида турган 8 та энг асосий муаммони ҳал этиш вазифаси белгилаб олинган эди. Дунёда қашшоқлик ва очарчиликни бартараф этиш, фуқароларнинг бошланғич таълим олишларини таъминлаш, эркак ва аёллар тенглигига эришиш, болалар ўлимини камайтириш, оналар соғлигини яхшилаш, орттирилган имун тақчиллиги вирусини, безгақ сингари оғир касалликларга қарши кураш, экологик барқарорликни таъминлаш, тараққиётга эришиш мақсадида глобал ҳамкорликни кучайтириш дунёнинг 185 мамлакат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳужжатда ўз аксини топган эди. Таассуфлар бўлсинки, ўтган йиллар мобайнида дунёнинг қатор давлатлари ана шундай муаммони масалаларни ҳал этиш имконига эга бўлмадилар. Таъкидлаш керакики, ёшлар бугунги кунда дунё аҳолисининг 18 фоизини ташкил этади. Ер қурра-

этилаётган жиноятлар кўлами ошиб бораётганидан ҳавотирда. 2011 йилнинг ўзида ёшлар томонидан 800 дан ортқ жиноят содир этилгани (2010 йилда 700 дан ортқ) вазиятнинг нақадар ташвишли эканидан далолат беради. ЮНИСЕФнинг Қирғизистондаги вакилининг айтишича, деярли 40 минг оилада болалар ҳатто турғиланлик ҳақидаги гувоҳномага ҳам эга эмас, бу ҳам етмаганидек, болалар уйлари ва интернетларга тушиб қолаётган болалар сони ошиб борапти. Биргина давлатга қарашли меҳрибонлик уйлари сонининг 100 дан ошгани, хусусийлари бир неча баробар кўпайиб, бундай муассасалардаги тарбияланувчилар сони 22 мингдан ошгани ижтимоий-сиёсий вазиятни унглаш Қирғизистон учун ҳаёт-мамот масаласига айланганининг даллатидир.

Этибор этиш керакики, мустақиллик йўли ҳеч бир мамлакатда равон, текис кечмайди. Уни сақлаб қолиш ниҳоятда мураккаб, масъулиятли ва оғир вазифа ҳисобланади. Чунки дунёда ҳали ҳам кичик давлатларнинг эркини келашга қаратилган, уни асоратда қолдиришни кўзда тутган мафкуравий, гоғий ва ин-

формацион хуружлар давом этаётганига гувоҳ бўлаяемиз. Шубҳасиз, ана шундай жараёнларда маънавий тарбия масаласи муҳим ўрин тутди. Бу масаладаги бефарқлик Юртбошимиз таъбири билан айтганда, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимизни, тарихий хотирамиздан айрилиб, охири-охирида ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда ёшлар тарбиясига, маънавият ва маърифат масалаларига, миллий қадриятлар ва тарихни ўрганиш масалаларига алоҳида этибор қаратиб келинмоқда.

Минг шукрлар бўлсинки, мамлакатимизда "Ке-лажак" вазирлиги ташаббуси билан ёшларнинг умумий таълим ва тарбияси, маънавият ва маърифат масалаларига эътибор қилиниши, унинг миллий манфаатларини ҳавф остига қўйиши ва охири-охирида жамиятни таназзулга етаклаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Тан олиш керак: жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларида тилга олинмаётганидек, глобал молиявий-иқтисодий муаммолар қаршида саёра бўйлаб жамиятнинг кўлами ортиб бораётди. АҚШ, Европа, Осиё ва Африканинг қатор мамлакатларидаги ноҳуш манзаралар, айниқса, нафақат дунёвий, балки диний

мактаб ва коллежларда ҳам тарбиячи-мураббийларнинг ўқувчиларни таққирлашлари ва улар номусига тегиш, болалар порнографик суратларнинг интернет сайтларига жойлаштирилиши билан боғлиқ можаролар маънавият мавзусининг тобора долзарб аҳамият касб этаётганидан даллатидир. Шунинг учун ҳам Европадаги қатор мамлакатлар парламентлари депутатлари мактабни нафақат таълим, балки асосий тарбия масканига айлантириш учун таълим тўғрисидаги концепцияни қайта кўриб чиқиш, мактаб ва оилаларда ўзга меҳр-муҳаббат ва аҳилликни шакллантиришга, оммавий ахборот воситаларида эса зўравонликни тарғиб этувчи чиқишларни тақиқлашга қақирмоқдалар. Хулоса ўрнида айтганда, бугунги шиддатли даврда чинакам маънавият одамгина ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, ўз давлатининг жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин учун фидойилик кўрсатиши мумкин. Бундай ҳисдан бегона миллат охири-охирида таназзулга учраши мўқаррар.

АБДУВАЛИ АБДУЛҚОБИЕВ

«SHAD SAVDO ZAMIN» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

мулкнинг бошланғич баҳоси қадам бақадам ошиш тартибига ўтказиладиган «очик аукцион» савдоларига таклиф этади

1. Аукцион савдоларида Бухоро вилояти давлат мулкни бошқариш бошқармасининг 2012 йил 13 августдаги 6 а-сонли буйруғи, Вобкент тумани ҳокимининг 2012 йил 11 июндаги 674-сонли ҳамда Қоровулбозор тумани ҳокимининг 2010 йил 27 апрелдаги 210-сонли қарорига асосан яқка тартибда уй-жой куриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича қуйидаги ер участкаларини савдоларга чиқармоқда.

- Вобкент шаҳри Ўба қудолон кўчаси худудидан ҳар бири 400 кв.мдан иборат 2 (бош режа бўйича 1 ва 2-сонли)та ер участкаси Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 850 000 сўмдан.
- Вобкент шаҳри Тўқимачи кўчаси худудидан ҳар бири 400 кв.мдан иборат 3 (бош режа бўйича 1, 2 ва 3-сонли)та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 850 000 сўмдан.
- Вобкент тумани Пирмаст ҚФЙ Навоий аҳоли пункти худудидан ҳар бири 400 кв.мдан иборат 1 (бош режа бўйича 1-сонли)та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 400 000 сўм.
- Вобкент тумани Пирмаст ҚФЙ Анжирбоғ аҳоли пункти худудидан ҳар бири 400 кв.мдан иборат 4 (бош режа бўйича 1, 2, 3 ва 4-сонли)та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 400 000 сўмдан.
- Вобкент тумани Харғуш ҚФЙ Гулистон аҳоли пункти худудидан ҳар бири 400 кв.мдан иборат 1 (бош режа бўйича 1-сонли)та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 400 000 сўм.
- Қоровулбозор тумани Тинчлик МФЙ Бобур кўчаси худудидан ҳар бири 400 кв.мдан иборат 1 (бош режа бўйича 14-сонли) та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 95 400 сўм.
- Қоровулбозор тумани Тинчлик МФЙ Жамбул кўчаси худудидан ҳар бири 400 кв.мдан иборат 4 (бош режа бўйича 6, 31, 74 ва 75-сонли)та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 95 400 сўмдан.
- Қоровулбозор тумани Бўзачи ҚФЙ Бўзачи қишлоғи худудидан ҳар бири 400 кв.мдан иборат 2 (бош режа бўйича 20 ва 21-сонли)та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 95 400 сўмдан.

МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

ҲОКИМ ҚАРОРИНИ БЕКОР ҚИЛДИ

Адолат қарор топди. Таҳририят кўмаги билан хивалик 67 ёшли Раиса опа ўз мулкига эгалик ҳуқуқини қайта қўлга киритди

...Раиса опа тўрт қиз, бир ўғилнинг онаси. Қизларини турмушга узатган, ўғли ўзи билан бирга яшарди. Турмуш ўртоғи Қадамбой ога касаллик туфайли 1994 йилда дунёдан ўтди.

Муштарип она тақдирнинг оғир-енгликларига дош бериб болаларини улгайтириб, уйли-жойли қилди. Узоқ йиллар Хива шаҳридаги меҳмонхонага қарашли дўконда сотувчи, кейин эса хўжаликда оддий ишчи бўлиб ишлади. Ўғли Шодликини ҳеч кимдан кам қилмай едирди, ичирди, уйлантирди. Ўғли ўғилли бўлганида набиралди бўлдим, дея сунгонидан шаҳар марказидан 6 сотихли янги ҳовли жой, яна турмуш ўртоғидан қолган "Москвич" автомашинасини ҳадя қилди. Аммо, энди фарзандлардан тиндим, деганда қайнона ва келин ўртасига оламушук оралади. Бунга қизи Сайёранинг турмуши бузилиб ота уйига қайтгани сабаб бўлди.

Раиса опа ўғли Шодлики: «Ўғлим, сен опа-сингилларингга ҳам ука, ҳам ака, ҳам отасан. Турмуши бузилган, боши эгик опаннинг бошини сила, ўксик дилини баттар чўктирма. Ҳар нарсани баҳона қилиб ярасига туз сепма», дея насиҳат қилди.

Афсуски, қайнона ва келин, она ва ўғил орасидаги низо кун сайин жиддий тус ола бошлади.

Кунларнинг бирида Шодлик маст ҳолда келиб аввал опасини, сўнг онасини дўппослади. Орадан кўп ўтмай, шу нохуш ҳолат яна такрорланди. Бунга чидай олмаган Раиса опа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилиб, ўғлини ўзи ҳадя этган шаҳар марказидаги турар жойга кўчириб беришларини сўради. Шунда Фуқаролик ишлари бўйича Богот туман суди опа ҳозирда яшаб турган ҳовлининг ҳам Раиса опага эмас, балки ўғли Шодлик Жуманиёзовга туман ҳокимининг қарори асосида берилганлигини, бунга оид барча ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини маълум қилди. Она бу воқеадан ҳайрон қолди, суриштирди. Ҳақиқатдан ҳам ўғли онанинг розилигисиз ҳовли-жойга эгалик ҳуқуқини қўлга киритгани маълум бўлди.

Шу ўринда хат-саводи йўқ одам ҳам тушунадиган уй-жой олди-сотдисси, ҳадя қилиш қоидаларини наҳотки ушбу ҳужжатларни расмийлаштириб берган мутасадди идора вакиллари билмасалар, деган ҳақли савол туғилади.

Туман ҳокимининг 2009 йил 12 ноябрдаги 742-сонли қарорида «Фуқаро Жуманиёзов Шодлики туман ҳокимининг қарори асосида уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиб берилган. Ҳозирда ушбу ажратилган ер участкасида Жуманиёзов Ш. томонидан турар жой қуриб яшаб келаётганлигини инобатга олган ҳолда, шу юздан Хива туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати "ДАШЭК" қишлоғи ҳудуди ер тўзувчисининг ҳулосаси ва Жуманиёзов Ш.нинг туман ҳокими номига ёзган аризаси асосида қарор қабул қилинди», дейилган. Аммо мазкур ҳовли аслида Шодлик томонидан эмас, балки у туғилмасидан 12 йил илгари, яъни 1962 йилда отаси ва онаси томонидан қурилган эди.

Раиса опа ана шу ноҳақлиқни бартараф этиш мақсадида уч йил судма-суд юрди. Буни қарангки, қат-қат қозғаларга қарор, ажрим қабул қилган мутасаддилар ҳокимнинг қарорини асос қилиб ишни Ш.Жуманиёзовнинг фойдасига ҳал этиб келишди. Судма-суд юриб чарчаган Раиса опа сўнгги умид сифатида таҳририятимизга шикоят аризаси билан мурожаат қилди.

Очиги, ариза билан танишгач, биз ҳам ҳар хил ўй-фикрга бор-

дик: «Наҳотки...?» Хуллас, масалани жойида ўрганиш учун аввал Раиса опа, сўнгра мутасаддилар, ҳуқуқшунослар билан суҳбатлашдик, охирида туман ҳокими Давронбек Аллақулиев қабулда бўлдик. Туман ҳокими ташаббуси билан воқеага оидлик киритиш мақсадида «Гулстон» МФЙ раиси Аширбой Маширипов, туман бош меъмори Куранбой Рўзиметов, туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси Қиличбек Қиличевдан иборат комиссия тузилди. Мазкур комиссиянинг ўрганишлар асосидаги ҳулосасига биноан туман ҳокимининг 2009 йил 12 ноябрдаги 742-сонли қарорини бекор қилиш тўғрисидаги 723-сонли қарор қабул қилинди.

Ҳақиқат қарор топди. Уч йиллик оворагарчиликка чек қўйилди. Аммо шу вақт ичида 67 ёшли Раиса Габураҳмонованинг эшикма-эшик адолат излаб, изтироб чекишига сабабчи бўлган қонун ҳимоячилари, мутасаддилар, қолаверса, нобаркор ўғил бу воқеани қандай баҳолайди, бу уларнинг виджонига ҳавола. Биз эса ҳақиқат эгилар, аммо синмайди, деган фикрда қоламиз.

Шавкат НОСИРОВ,
«Hurriyat» мухбири



КРЕДИТЛАР ҲИСОБИДАН ЯНГИ ИШ ҲИСОБИДА

Мамлакатимиз иқтисодий юксалтиришда банк-молия муассасаларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Айниқса, республика-миздаги тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида аҳоли бандлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар алоҳида таҳсинга сазовордир.

«Агробанк» ОАТБ Қашқадарё вилоят бошқармасининг туман ва шаҳарларда 16 та филиали, 46 та мини банки фаолият юритмоқда. Улар томонидан барча мулкчилик шаклидаги 28055 та юридик ва жисмоний шахсларга тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

«Агробанк» ОАТБ Қашқадарё вилоят бошқармасининг туман ва шаҳарларда 16 та филиали, 46 та мини банки фаолият юритмоқда. Улар томонидан барча мулкчилик шаклидаги 28055 та юридик ва жисмоний шахсларга тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

хонамизда 12 турдаги пишлоқ ва сут маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Худди шунингдек, тадбиркор аёл Юлдуз Мамадиёрова раҳбарлик қилаётган «Ироқи каштачилик» масъулияти чекланган жамияти уч йил мuddатга 33 миллион сўмлик кредит билан таъминланди. Ушбу маблағ ҳисобига тикув машиналари ва ётарли микдорда хомашё сотиб олинди, 13 киши ишли бўлди.

«Ёш тадбиркор камолоти — қишлоқ тараққиёти кафолати» тадбиркор ёшлар танлови доирасида банкнинг Шаҳрисабз филиали мижози «Ҳамраева Сарвиноз Норбоевна» деҳқон хўжалигига 3 йил мuddатга 7 миллион сўм микдориди



Саитов банкнинг Шаҳрисабз филиалига кредит сўраб мурожаат этди. Тақдим қилинган ҳужжатлар банк ходимлари томонидан белгиланган мuddатда ўрганиб чиқилди ва мурожаат қондирилди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вилоят иқтисодиётидаги улуши йилдан-йилга ортиб бораётган. Соҳа ривожига банкнинг вилоят бошқармаси ва унинг жойлардаги филиаллари ажратаётган кредитлар ҳам

имтиёзли кредит ажратилди. Натижада деҳқон хўжалигида иссиқхона қурилди, гулчиликни ривожлантириш учун катта имкониёт яратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан жами 8,4 миллиард сўм микдорда кредитлар берилди. Нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун эса 3,3 миллиард сўм микдорда кредитлар ўз эгаларига топширилди.

Бундан ташқари, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 600 миллион сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга 200 миллион сўм микдорда микрокредитлар ажратилди.

Абдуғани СОДИҚОВ

ҲУҚУҚАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банки (ОАЖ) жамоаси

Сизларни мамлакатимиз Мустақиллигининг 21 йиллиги байрами муносабати билан қутлайди ва қуйидаги янги, миллий валютадаги мuddатли омонат турини тақлиф этади.

«Мустақиллик 2012»

Сақланиш мuddати — 12 ой.
Ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат ёпилгандан (12 ойдан сўнг) берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	221-80-67
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

Хизматлар лицензияланган

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- микдори чекланмаган!

Вниманию руководителей организаций и предприятий!

УБДД УВД ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:

Капитальный ремонт системы отопления административного здания УБДД УВД Ташкентской области. Г. Ташкент, Карасу-6 Гёте 52.

Стартовая стоимость заказчика составляет НДС — 132 533 180 сум.
Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС — 110 444 316 сум.

Срок строительства — 60 дней.

Внимание! По объектом стартовой стоимостью до 500 000 000 сум конкурсные торги осуществляются исключительно среди субъектов малого бизнеса.

Финансирование проекта будет осуществляться за счет бюджетные средства.

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

Адрес заказчика: Учреждение УБДД УВД Ташкентской области, г. Ташкента Карасу-6, Гёте 52.

К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования: — наличие оборотных средств, в размере 20 процент от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специали-

тов, необходимых для выполнения работ(услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключения договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсиному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, доечитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г. Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты.
Телефон(факс): 241-15-26, 241-15-32.
Стоимость одного комплекта конкурсной документации — 150 000 сум. (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления ofert организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия ofert по адресу: г. Ташкент, Карасу-6.
Вскрытие ofert состоится не менее чем через 30 дней со дня опубликования объявления.

ОГОҲЛИК

Лоқайд бўлмайлик!

Кундан-кунга гуллаб-яшнаб бораётган мамлакатимизнинг, шу жумладан пойтахтимизнинг янада чирой очишига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Бунинг учун, аввало, ўзимизни, яқинларимизни ва хонадонимизни турли нохуш ҳолатлар, хусусан, ёнган офатидан сақлашимиз лозим.

Аммо, афсуски, арзимаган лоқайдлик сабаб ҳам турли кўнгилсиз воқеалар содир бўлиши тез-тез кузатишмоқда. Айниқса, газли ёки электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, уларни ўз билганча тузатиш, қаровсиз қолдириш, ёнган хавфсизлиги қондаларига амал қилмаслик ҳолатлари ёнганларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Натижада бу фуқароларнинг ўзларигагина эмас, ён-атрофдаги кишиларга ҳам ачирган моддий зарар келтира-япти.

Шу сабаб Ёнган хавфсизлиги ходимлари кутилмаган фалокатларнинг олдини олиш мақсадида кишиларнинг хонадонларида бўлиб, ёнганга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаб, бартараф этишга катта эътибор қаратиб келишаётир. Жойларда аҳоли билан учрашувлар ўтказилиб, бу борадаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш

бўйича йўл-йўриқлар ва курсатмалар берилаяпти. Натижада ўша ҳудудларда нохуш воқеалар кескин камаймоқда.


Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, жойларнинг ёнганга қарши ҳолатини назорат этиш барча хонадон эгаларининг масъулиятли вазифаси бўлиши керак. Кўп қаватли уйлarda яшовчилар ҳам нафақат ўз хонадон, балки йўлақлар, лифтлар ва шу каби умумий жойларда ҳам ёнганга сабаб бўлувчи ҳолатларнинг олдини олишга ҳаракат қилишлари зарур ва шарт. Ана шунда барчамиз "Тилсиз ёв" ҳужумидан ҳимояланган бўламиз.

Умиджон ИМИНОВ,
26-ҲЕХК смена бошлиги,
лейтенант

МУБОРАК КУНЛАР ШУКУҶИ

ЯХШИЛИКНИНГ АЖРИ
ФАҚАТ ЯХШИЛИК

Шу кунларда дунё мусулмонлари Рамазон ҳайитини нишонлаш таррадулда. Юртбошимизнинг жорий йилнинг 18 июль куни матбуотда эълон қилинган "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори бу борадаги саъи-ҳаракатларга фазл бағишлади. Бундай байрамларни нишонлашимиз, ибодатни эмин-эркин адо этишимиз, қўйингни, бошқа барча диний ва миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизнинг давомийлиги мамлакатимиз Истиқлоли шарофатидандир. Юртимиздаги тинчлик, осойишталик, халқимизнинг бағрикенглиги билан чамбарчас боғлиқлигидандир.



нинг байрам кунларидаги энг муҳим вазифаларидан саналади. Зеро, яхшилиқнинг ажри фақат яхшилиқдир. Ҳазрат Пайғамбаримиз (с.а.в) марҳамат қилиб айтганлар: "Бева ва мискинга рамхўрлик қилувчи киши Оллоҳ таоло йўлида қурашувчи ёки туну билан ибодат қилиб куни билан рўза тутувчи киши кабирур".

Чиндан-да, бева ва мискинларга ёрдам кўрсатиш, меҳр-мурувват қилиш, уларнинг дуоларини олиш энг катта хайрли амаллардандир. Зеро, Ислом дини кишиларни миллати ва ирқидан қатъи назар, бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишга, иззат-ҳурмат кўрсатишга чорлайди.

Рамазон — саховат ойи. Шу боис, ушбу ойда қилган барча яхшилиқларимиз кейинги ойлари учун ҳам ибрат бўлмоғи даркор. Чунки рўзанинг қабул бўлиш аломатларидан бири рўзадан кейин ҳам хайрли, савобли ишларни давом эттиришдир.

Бундай Муборак кунларда байрамлар байрамларга уланаёттир. Буни қарангки, Ҳайит байрамининг сўнг Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги нишонланади. Айём кетидан айём давом этиб бормоқда. Бу ҳам халқимизнинг осойишта кунларининг қадрига етиб, эртанги порлоқ истиқболимизга ишончини янада орттирмоқда.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Ҳўжа Аламбардор жомеъ масжиди имом хатиби

Тағлим, фан ва маданият ҳодимлари касаба уюшмаси
Тайарик, тўман кенгаши
жамоаси

азиз юртдошларимизни
улуғ айём Рамазон ҳайити
билан самимий қутлайди.

Ватанимиз равнақи, оиланинг
муштаҳкамлиги ушун қилаётган
саъи-ҳаракатларинингизга
ривож тилаймиз.

Дастурхонингиздан қут-бароқа
аримасин!



Т оат-ибодатлар учун яратилган ҳозирги имкониятларга нисбатан олганда яқин ўтмишдаги шароитларни лоақа қиёс учун ҳам тилга олгиси келмайди кишининг. Бурун масжидларнинг ташландик, кўримсиз биноларда жойлашганлиги, у ерга кириб намоз ўқийдиганларнинг санокли қариялардигина иборатлиги, малакали диний илм олиш имконияти йўқлиги — буларнинг барчаси ўтмишда қолди. Истаган фуқаронинг Муборак Ҳаж ва Умра амалларини бажариши, қадамжоларга,

зиёратларга бориши унча-мунча одамнинг хаёлига ҳам келмасди. Шукрки, бугун Маккаи мукаррама, Мадинаи мунавварага минг-минглаб ватандошларимизнинг қадами етди. Ҳозир ҳар йили 5 минг нафар юртдошимиз Муборак Ҳаж сафарига бўлиб қайтишяпти. Шу билан бирга Умра амалини йилига 6 минг нафар ватандошимиз бажариб келишмоқда. Яқинда ана шундай зиёратчиларимизнинг 1117 нафарли ил гуруҳи Мадинаи мунаввара ва Маккаи мукаррама шаҳарларида Умра амалини адо этиб қайтишди. Бўлаётган бу хайрли ютуқларнинг ўлчови битта, у ҳам

бўлса — шукроналик туйғуларининг ҳосил бўлганидир.

Айни дамда ҳамюртларимиз Рамазон ойини ихлос, ғайрат ва сабр билан ўтказмоқдалар, Ҳайит байрамини аълороқ, фазлуроқ нишонлаш ниятида турибдилар.

Ҳайит — хурсандчилик, яхши кайфият ва эзгу ишлар палласидир. Ота-оналаримиз, қавм-қариндошларимиз, улуғларимиз зиёратига бориб уларнинг дуоларини олиш, бетоб кишилар ҳолидан хабардор бўлиш, ёрдамга муҳтож кишиларга қўлдан келганича хайр-саховат кўрсатиш, бир-бирларимизни ҳайит билан муборакбод этиш, ҳар бир мусулмон-

КУЗАТУВ

— Дадам қовун суйиб бейалла, ёнига мен ўтираман, — дейди икки яшар ўғлим хархаша қилиб. Опаси ҳам ундан қолишмай талашиб тортишади. Уларнинг бу хатти-ҳаракатини кузатиб, ўйланиб қоламан: "Наҳотки, "манфаат" тушунчаси инсон қалбига гўдаклигидаёқ жо бўлса..."

Меҳр қимматлими,
Манфаат?

Ҳеч эсимдан чикмайди. Бир куни мактабимизга мансабдор Фалончи Фалончиев келди. Ҳамма уни кутгани чиқди, келгач эса, атрофда гирди-капалак бўлди. Қарангки, биз ҳавас қилиб юрган бояғи ўқитувчимиз ҳам уни кўриб, деярли икки бўкилиб тавозе билан салом берди. Наҳотки, мансаб олдида илм ахлитиз чўкса, деб ўйладим ўшанда. Хуллас, шу воқеадан кейин устозимиздан кўнглим қолди. Қизик, у нега бундай қилди экан? Манфаат туйғулими?

Айтингни, инсонлар бир-бири билан манфаат туйғули муносабатга киришадими ё шароит тақозоси ила? Қўни-қўшни, қариндош-уруғ, дўст-ёрлар-чи? Ким билсин, балки, айнан манфаат кишиларни ўзаро боғлаб турар. Айниқса, ҳозирги тезкор, шиддатли

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

БУ ШУНДАЙ ТУЙҒУКИ...

Инсон дунёга келиб тилга кирганидан бери қуйидаги бир сўзни такрорлайди — «Меники!» Ажаб, нима учун айнан шундай?! Бу сўзда қандай куч, қандай мўъжиза зоҳирки, киши ундан воз кеча олмас...

Аслида, «Меники!» деб айтишга арзийдиган бирор нарсаси бор одам бахтли. Демак, ниманингдир соҳиби. Эгаси.



даги ундаётган саволга жавоб бўлар: «1947 йили Махачқала театрида Ҳамзат Цадаса 70 ёшга тўлиши муносабати билан катта тантанали кеча ўтказилди. Кўплаб таъриқ нутқлари сўзланди, шеърлар ўқилди, совғалар тақдим этилди. Ниҳоят, таваллуд тўйини нишонлаётган шoir-ға сўз навбати берилди. Ҳамзат хотиржам минбарга қайтди, хотиржам кўкрак чўнтагидан бир кун олдин тайёрлаб қўйилган нутқ матнини олди, хотиржам кўзойнагини олиш учун иккинчи чўнтагига қўл солди... Хотиржам турган одам бирдан безовталанди, шошиб-пишиб бошқа чўнтақларини қовлай бошлади. Ҳамма билдики, Ҳамзат кўзойнагини уйда унутиб қолдирган. Дарҳол кўзойнақни олиб келиш учун уйга одам жўнатилди. Лекин Ҳамзат минбарда нима қилишини билмай қараб турарди. Вазиятдан чиқиш учун дўсти Абутолиб унга ўзининг бир-мунча мот тушадиган кўзойнагини узатди. Ҳамзат унинг кўзойнагини тақиб, матнини ўқий бошлади. У шеър ўқирди, аммо овозида, туришида қатъиятсизлик яққол сезилар, гўё у ўзининг шеърини эмас, бировникини ўқитгандай, гўё биринчи бор шеърни кўриб тургандай ҳаяжонланарди. Иккинчи шеър

рини ўқишга чоғланаётган пайтида кўзойнақка кетган бола залга кириб келди. Ҳамзат дарҳол Абутолибнинг кўзойнагини ечиб, ўзиникини тақди. Бирдан унинг қомати ростланди, овози дадил жанранглади. Залдагилар шоирини эндигина минбарга чиққандай, гулдорос қарсақлар билан олқишлашди. Гўё бунгача минбарда Ҳамзат Цадаса эмас, унга ўхшаш одам турганди.

— Кўзойнагим тўйимни бузишига сал қолди, — деди жилмайиб Ҳамзат.

— Менинг кўзойнагим сенга ёқмади? — дея гапини бўлди Абутолиб.

— Сенинг кўзойнагинг ҳам яхши экан, лекин у сеникини ҳам. Хар бир одамнинг ўз кўзи бор, демак кўзойнағи ҳам ўзиники бўлиши керак.

Ҳа, ҳатто кўзойнақ-да ўзиники бўлгани маъқул. Чунки ўзиники бўлганинига «Меники!» деб айтолсан. Хар кимнинг ўз боши, ўз фикри, ўз дунёси, ўз уйи бўлсин экан. Ва гурур билан «Меники!» деб айта оладиган Ватанимиз. Ватанимиз, чин қалбиндан суйганинг, ташвиши-ла куйганинг, ҳаммаша меҳрини — оҳанрабодини туйганинг, хар ҳарфини юракка уйганинг, киндик қонинг томган ва бир куни ўша қонинг томган азиз тупроғига бош қўядиганинг. Ватанимиз, боболаринг, момоларинг-да «Меники!» деб айтган замин. Ватанимиз, хар заррасини, бўлагини, парчасини ўзиники билганинг:

МЕНИКИ!

тупроғи байроғини, куйини, кечаси, бугунио эртасини, хирмончи армонини, асрлардан ошиб келаётган карвонини ҳам ва инчунин, сарбонини ҳам. Устоз Абдулла Орипов айтганидек, меники, сайлаган Президентимиз ҳам!

Бу шундай суйишга арзирли карвон, жон бағишлашга арзийдиган халқки, тамаддулар бешигини тебратган, дунёларни уйғотган халқ. Беруний, Сино, Форобий, Фарғоний, Бухорий, Термизий, Насафий, Шошийларни туққан халқ! Арастуни, Эсхилни, Мааррийни, Конфуцийни, Фирдавсийни уққан халқ!

Бу шундай иззатга арзирли сарбонки, миллатга елкадош, сирдош, йўлдош. Зеро, Президентимизнинг ўз олдига қўйган улкан вазифасини холисанилло англаш учун биргина «Ўзбекистон мустақиллиги эришиш остонасида» китобида келтирилган ушбу сўзларга қўлоқ тутмоқ кифоя: «...Қайси бир китобда ўқиган эдим. Эмишки, Амир Темур ярим жаҳонни забт этиб, олис ўрмон қабилаларига бориб етибди, хуллас, уларни ҳам ўзига бўйсундирибди. Қайсар ва жангари, овоз ва самимий бу қабилаларини чорасизлик туйғули Темурга қуролларини топшира экан, қуйидаги гапларни айтибди: «Эй, Амир! Сен бизни қурол кучи билан енга олдинг. Бироқ сенга айтидиган шартларимиз бор. Агар сен қассоб бўлсанг, бизни сўйиб ташла, агар сен савдогар бўлсанг, сотиб юбор, агар подшо бўлиб келган бўлсанг — бизга бахт ато эт!» Бу ривоятнинг синфий, тарихий йўналиши айни чоғда бизни қизиқтираётгани йўқ. Бу ҳикоятда ақолиб бир ҳикмат барқ уриб турибди. Яъни, элга пешовман, деб ўртага чиққанинг, унинг ишончини қозонганим — бу ишончини

энди асл виждон билан, поккиза фаолият билан оқламоқ керак бўлади. Бу талабни эскачасига айтсам, янгичасигами — барибир, моҳияти бир хил бўлиб қолаверди. Яъни, халқ вақили халқнинг посбони, халқ раҳбари бўлиб, халқнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлгучи сирдошига айланиши шарт».

Юртбошимизнинг ўз олдига қўйган ана шу буюк мақсаднинг рўёбини бугунги кунда турмушимизнинг барча жабҳаларида эриштилаётган улкан ютуқларда аққол кўриш мумкин. Шуларнинг барчасини — буюк зафарларини-да, ўша улкан галабаларнинг қўлга киритилишига ҳисса қўшаётган юртнинг асл фарзандларини-да, камтарин ота халқни-да, муборак она Ватанимиз-да қаддирни фоз тутиб, «Меники!» деб айта олишининг ўзи эса шараф, бекиёс бахт. Аммо...

Шу ўринда ажойиб бир ривоят эсга тушди. Хуллас, қадим замонларда бир кишини шаҳарнинг қозиси этиб тайинлабдилар. Бир куни унинг олдига икки киши кириб келибди. Улар ўртасида ер хусусида низо келиб чиққан экан.

— Жаноб, — дебди улардан бири, — мен ҳақиқат излаб келдим! Бу ер менинг ерим, у менга отамдан қолган. Аждодларим бу ерга ўз қонлари ва пешона терларини туққанлар. Мен бу ерда бир неча йил бўлмадим. Бу киши эса ўзбошимчалик билан менинг еримни эгаллаб, худди ўзиникидек унга хўжайинлик қилляпти.

Қози иккинчи кишининг арзига қўлоқ тутди.

— Нима ҳам дердинг, — дебди иккинчи арзғий. — Маэкур ер унга ёки отасига кўп йиллар илгари тегишли бўлган бўлиши мумкин. Лекин мен бу ташландик, тикан босиб ётган

далани тозаладим, дархат экдим. Унга жуда катта куч ва меҳнатимни сарфладим. Шу боис, у энди меники.

Қози узоқ ўйлаб, «Мураккаб масала, ўзим бориб, ўша ерни кўришим шарт», — дебди. Сўнг низога сабаб бўлган ерга борибдилар. Етиб келгач, қози энгашиб, қўлоғини ерга қўйди.

— Нима қилляпсиз? — дея сўрашибди арзғийлар.

— Мен ернинг нима дейшини эшитишни истайман, — дебди қози.

— Ер нима даяпти?

Қози бошини кўтариб, жилмайди:

— Ер айтаяпти: «Иккаласи ҳам меники...»

Ривоятдан келиб чиқадиган катта маънолар кўп. Агар унинг тағмаёносини жаҳон ахли — барча-барча англашганда эди, бугун дунёда рўй берётган барча катта-кичик низолар, хунрезликлар, биродарқушлиқлар барҳам топган бўларди.

Биз ҳаммасини «Меники!» деймиз: ерни-да, осмонни-да, халқни-да, Ватанимиз-да. Аммо ҳақли савол туғилади: улр-чи?! Ана шу еру осмон, хокисор халқ муқаддас Ватан бизни ҳам «Меники!» дея оладими?! Дейди! Ҳа, баралла айтади: «Менинг фарзандим!» деб. Қачонки, биз шунга арзисак. Албатта, «Меники!» деганларнинг сени-да «Меники!» дейиши учун бундай улуғ шарафга арзиса керак. Муносиб бўлиш лозим.

Буюк орзу ва муддао шуки, аждодларимиз руҳи, ота-онамиз, халқимиз ва минг асрлар доводидан ошган, аммо навқирон Ватанимиз — соҳиб Истиқлол — Ўзбекистон биз авлодларни ҳеч тортинмай, ҳеч огринмай, иккиланмай, аксинча, меҳр ва ифтихор билан «Меники!» десин!


Мансур ЖУМАЕВ

ТАРАҚҚИЁТ РОБИТАЛАРИДА

«Curiosity» сайёра буйнаб

Утган hafta NASA mutaхассислари va барча америкаликлар фазо тадқиқотларига борлиқ яна бир галабани нишонладилар...

Кўп ўтмай, марсаход Ерга «қизил сайёра» ҳаётига оид дастлабки суратларни жўнатди...



улар ёрдамида 7 метр-ча масофада жойлашган валунлар — харсанг ва бошқа каттиқ жисмлар куйдирилди...

СОҒИҚ РАЛА

ДЎСТАЛИК

Маржоним бехосдан узилди. Йўқ, ўзи бугунми, эртами, барибир узилди керак эди...

Анджонда адабиёт ҳафтаси

Адабиёт ҳафталигида Потахтдан, шунингдек, кўшни Фаргона ва Наманган вилоятларидан келган таниқли шоир ва ёзувчилар...

Курси

Хонага киришингиз билан унга кўзингиз тушади. Жудаям хайбатли, викор билан туради...

Кўз

Кўз... Бир жуфт қоп-қора кўз. Бир қарансанг, унда қувонч зоҳир, порлаб, ёниб туради...

Сен бўлсайдинг ёнимда

Аёл У билан муқаддас, У билан гўзал. У, балки, аёлнинг ҳаёт-маматидир. Барча гўзалликлар Унинг олдида ўз кучини йўқотади...

Муносиб тухфа



Хар йили турли спорт турлари бўйича ўз ўрни, нуфузига эга бўлган йирик халқаро мусобақалар ўтказилади...

курашни Олимпиада ўйинларига қиритган юрт вакили устидан мuddатидан олдин соф галабага эришди...

Agrobank advertisement with image of a chick and text: 'Ҳаммаси кичикдан бошланади!', 'Қичик бизнес учун кредитлар рўёбга чиқаринг!'.

HURRIYAT logo and contact information for the newspaper.

Advertisement for Mustaqil Gazeta with contact details for the editor and authors.

Advertisement for Agrobank featuring an ISSN logo and contact information.

Advertisement for Sharq newspaper with contact details and subscription information.